

ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИНИНГ КИТОБХОНЛИК ВА ТАРБИЯ БОРАСИДАГИ АНЬАНАЛАРИ

Чиниева С.А.,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси доценти,
педагогика фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Ўзбек оиласида китобхонлик воситасида ўсмирлар маънавиятини шакллантириши педагогика назарияси ва тарихида педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилди, оила китобхонлиги воситасида ёш авлод маънавиятини шакллантиришининг илмий-амалий механизми яратилди, оила китобхонлиги анъаналари педагогик нуқтаи назарда тарихий-қиёсий таҳлил этилди ва бу борадаги тажрибалар аниқланди; оила китобхонлиги воситасида ўсмирлар маънавиятини шакллантиришининг самарали шакл ва методлари белгилаб олинди; оила китобхонлиги воситасида ўсмирлар маънавиятини шакллантиришининг бир бутун тизими ва тавсиялар яратилди.

Калим сўзлар: китобхонлик, ўзбек оласи, болалар маънавиятини шакллантириши, оиласида китобхонлик анъаналари, оила китобхонлиги мониторинги, кутубхона, адабиёт, маҳалла, мактаб, кўп ўқиши.

ABSTRACT

The formation of the spirituality of adolescents through reading in the Uzbek family was studied as a pedagogical problem in the theory and history of pedagogy, a scientific and practical mechanism for the formation of the spirituality of the younger generation through family reading was created, the traditions of family reading were analyzed historically and comparatively from a pedagogical point of view, and experiences in this regard were identified; effective forms and methods of forming the spirituality of adolescents through family reading were identified; a comprehensive system and recommendations for the formation of the spirituality of adolescents through family reading were created.

Keywords: reading, Uzbek family, the formation of children's spirituality, traditions of reading in the family, monitoring of family reading, library, literature, neighborhood, school, extensive reading.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича

комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги босқичга кўтарганлиги ҳамда китобхонлик маданияти шакллантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани қувонарли ҳолдир. Юртбошимизнинг китоб мутолааси борасидаги тарихий фармойишидан сўнг оиласарда, ўкув даргоҳларида, қолаверса бутун жамиятда ёшларимизнинг китобга бўлган қизиқишлирини янада ошириш бўйича талайгина ишлар амалга оширилиниб келинмоқда. Китоб тарғиботи, қўчалар бўйлаб ташкил этилган китоб жавонлари, таълим муассасаларида йўлга қўйилган “Китобхонлик” тўгараклари, кўп ўқиш бўйича ташкил қилинаётган викториналар ва х.к натижаларида мамлакатимиз ёшлари ўртасида китоб ўқиётганлари кундан кунга кўпайиб бораётгани таҳсинга сазовордир.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек оиласи китобхонлиқда ўз анъанасига, китоб воситасида тарбиялашда ўзига хос миллий тажрибага эга. Қадимдан китоб ўзбек оиласи учун муқаддас саналган, нондан кейин азиз бўлган маънавий мулк ҳисобланган.

Ҳар бир оиласа бола дунёга келдими, уни тарбиялаш, уни voyaga etkazish ота-онанинг муқаддас бурчи саналади. Ота-она фарзандини баркамол этиб тарбиялашга интилади. Баркамолликнинг бирламчи ва муҳим мезони билим олиш бўлиб, у китобхонлик билан боғлик бўлган. Бу қадимдан қолган анъана, ёш авлодни маънавий-ахлоқий баркамол этиб тарбиялашнинг ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Бунда халқ педагогикаси билан бир қаторда алломаларимизнинг ижодий меъросига ҳам таянилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай меросий асарлардан бири Қайковуснинг “Қобуснома” асаридир. Унда муаллиф жавонмардлик тарбияси йўналишларини тавсия этар экан, билим олиш йўлига кирган толибларга китоб ўқишга қунт қилиш, илм йўлида қайгу-ҳасратга берилмаслик, илмни ёдда сақлаш учун уни такрорлаб бориш, ёд олиш, илмда ҳақиқат учун курашиш, тақлид қилмаслик, доимо ўз ёнида китоб ва бошка ўкув қуролларини сақлаш, оз сўзлаб, кўп тинглаш ҳақида фикрларини баён этади.

Лекин илмни китобдан ўрганиш билан чекланиб колмай, акл ва тафаккур билан ҳукм чиқариш зарурлигини таъкидлайди. Ана шу талаблар асосида у тижорат илми, тиб илми, илми нужум (астрономия), ҳандаса (геометрия) илмлари борасида ўз қарашларини баён этади. Ва бунда ота-оналарнинг ўз

фарзандларини тарбиялашда аввало уларга илм-у одоб ўргатишлари зарурлигини таъкидлайди.

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ота-онаси унинг болалик давридаёк илм олишига, китоб ўқишига катта эътибор берганлар. Унинг ўқишига ҳаваси эрта бошланиб, мактабга боргунига қадар араб, форс тилларида жуда кўп фазалларни ёд билган.

Навоий машҳур форс шоири Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асарларини севиб ўқиган. 4 ёшидаёқ Фаридиддин Атторнинг “Мантиқут-тайр” асарини бошдан оёқ ёд билган. У китоб таъсирида тенгқурларининг ўйин-кулгиларига аралашмай қўйган. Бу ҳолдан қаттиқ ташвишга тушган ота-онаси бу китобни ўқиши ман қилганлар. Лекин Алишер ушбу асарни бошдан оёқ ёд олиб бўлган эди. Кейинчалик ўзи ҳам унинг таъсирида “Лисонут - тайр” (“Куштили”) асарини ёзган.

Навоий туркий, форсий ва араб адабиётларини чукур ўрганган, хусни - хатни машқ қилган. Илм ва адабиётни чукур ўрганганлиги боис у замонасининг адабиёт, фан, рассомлик санъатида ном қозонган шоирлари, олимлари, рассомлари билан таниша бошлаган. Ана шу бадиий ва илмий мулоқотларини у ўзининг кейинчалик ёзган “Мажолисун нафоис” (“Нафис мажлислар”) асарида тасвиirlаган.

У ўз қобилияти, ўткир зеҳни билан олим ва санъаткорлар эътиборини тортган. Масалан, у 1456-йилда ўз замонасининг етук инсонларидан бири бўлган Сайид Ҳасан Ардашер билан танишади, у Алишернинг зеҳн-у қобилиятини кўриб, унга ўз умрини илмга, “назм айтиш”га бағишилашини таклиф қилади. Чунки Алишернинг шеърлари таъби нозик, юксак дидли бу инсонни мамнун этган эди. Навоий ўзининг “Холати Сайид Ҳасан Ардашер” номли асарида бу ҳақда хикоя қилган.

Демак, Алишернинг илм олиши ва келажакда буюк инсон бўлиб етишишида болаликда китоб устида муттасил, жиддий ишлашга асосий туртки - оила муҳити бўлган.

Ота-онанинг фарзандлари илмли бўлишига қайғуришини Бобур Мирзонинг оиласи мисолида ҳам кўрса бўлади. Бобур ўғиллари Ҳумоюн Мирзо, Комрон Мирзо ва қизларини илмли бўлишга ундейди. Бу ҳақда унинг ўзи “Бобурнома” асарида маълумотлар берган. Бир ўринда Бобур Мирзо ўғли Ҳумоюнга ёзуви ҳунуклиги ва хато ёзганлиги учун қаттиқ танбех беради.

У шундай дейди: “Имлоинг ёмон эмас. Агарчи ҳейли рост эмас (у қадар тўғри ёзилмаган), илтифотни “то” билан битибсен. Кулунжни “ё” била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр (ташвиш) қилиб ўкуса бўладур,... Такаллуф

қилай дейсен, ул жиҳаттин муғлақ (қийинчилик) бўладур. Бундан нари (кейин) бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз (ширин сўзлар) била бит; ҳам санга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқуғучига”.

Юкоридагилардан маълум бўладики, ўтмишда ҳам ота-онанинг асосий бурчларидан бири фарзандини ўз кузатуви остида илмли қилиш эди.

Бундан ташкари, ота-онанинг бурчи фарзандга билим ва одоб (“билиг ҳам адаб”) ўргатиш бўлиб, токи бу билан икки олам (“икки ажун”) уники бўлсин деб ҳисобланар эди.

Айни пайтда бундай тарбия натижасида фарзанд балоғат ёшидаёқ мустақил фикрга эга бўлиб, лозим ҳолларда оила бошқарувини ўз зиммасига олган. Шу сабабли ота-она фарзанд олдидаги бурчини қатъийлик билан адо этишга интилган.

Қадимда фарзанд тарбиясида ота-оналар имкон борича хусусий тарбиячидан ҳам фойдаланиб, фарзанд мукаммал тарбия олмоғи учун ўз даврининг бирор донишмандига топширишган. Ўз навбатида, бу донишманд шогирдини фарзанд сифатида қабул қилган.

Хусусий тарбияловчилар X-XII асрларда *бек атка*, XVI асрдан эътиборан отолиқ деб юритилган. Хусусий тарбия олганлар нафақат оилани, балки балоғат ёшиданоқ давлатни бошқаришдек салоҳиятга ҳам эга бўлишган. Мисол учун, Бобур Мирзо (XVI аср) 12 ёшида отасининг ўрнига подшо бўлган, унинг ёнида отолиқи маслаҳатгўй эди.

Оилада хусусий тарбиячи (устоз) ёллаш кейинчалик бутун Шарқда пирлик институтини келтириб чиқарди. Хусусий тарбияловчи (устоз)нинг низоми ҳам ишлаб чиқилган эди.

Бадавлат оилада фарзанд тарбияси учун ишончли бир мураббий тайинланар эди. Бу мураббийлар билимдон, ўқимишли кишилардан бўлган. Болалар уйда таълим олганда уларга мутолаа билан бирга ҳусниҳат ҳам ўргатилган. Шаҳзодалар шеър ёзиш, мусиқа тинглаш, расм чизиш, китоб мутолааси билан шуғулланишган. Шунинг учун ҳам уларнинг қўпчилиги ҳусниҳатда, шеър ёзишда яхши натижаларга эришган. Биритириб қўйилган маҳсус китобхонлар уйда ва ҳатто сафар пайтларида ҳам болаларга китоб ўқиб бергани Бобурнинг “Бобурнома” асарида келтирилган.

Ана шундай бадавлат оилаларнинг қизлари ҳам уйга таклиф қилинган муаллимадан сабоқ олганлар. Аксарият қизлар отинойи хонадонида ўқитилган. Отинойилар ҳам хотин-қизлар билан китоб мутолаасида кўпроқ шарҳли ўқишга эътибор беришган.

Оила китобхонлиги одатда маҳалла китобхонлиги билан қўшилиб кетган. Маҳалла аҳли маълум хонадонларга йиғилиб, ғазалхонликлар қиласи эди. Унда Жомий, Навоий, Фузулий, Бобур, Машрабларнинг ғазаллари ўқилар, машрабхонлик, яссавийхонлик, бедилхонликлар қиши кечаларида узоқ давом этарди. Китобхонларнинг билими, савияси мушоираларда синовдан ўтар эди.

Демак, ўзбек оиласи ҳамма замонларда ҳам ўзининг китобхонлик анъаналарига эга бўлиб келган. Бу таълим-тарбия тажрибалари ҳозирги даврга қадар мавжуд. Китобга бўлган интилиш, қизиқиш узоқ ўтмишдан асрлар оша бизга ажойиб мерос сифатида етиб келган.

ХУЛОСА

Оилада бола тарбияси, унга касб-хунар бериш каби масалаларда ҳам Шарқ халқлари бой анъанага эга. Зотан, Шарқда қадим-қадимдан оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқадас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчғи саналаган.

Абу Райхон Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Саъдий Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Вонз Кошифий ва бошқа буюк мутафаккирлардан ҳам болалар тарбияси, уларни ўқитиши, билим бериш масалаларига оид бой илмий мерос колганки, улар ўзларининг аҳамиятини бугунги кунда ҳам йўқотмаган.

Ҳозирги кунда биз оилада телевидение, интернет каби замонавий техникалар билан бир қаторда шарқона тарбиянинг манбаи бўлган китобхонлик анъаналарини давом эттириб, болаларимизда китобга муҳаббат орттиришимиз даркордир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Кайковус. Қобуснома. Т.:Ўқитувчи, 1986.168-б.
2. Абдураҳмон Жомий. Ҳафт авранг. Танланган асарлар. Т.:1971, 360-б
3. Бобур. Бобурнома. Т.: Юлдузча, 1989. 421-б
4. Ал-Бухорий. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил. Ал-адаб ал-Мурод (адаб дурдоналари). Тарж., мушсад. ва изоҳлар муалл. Ш.Бобохонов. –Т.: Ўзбекистон, 1990. -6-7 б.